25 (407)

2004 йил 23 июнь

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Оқсоқол Қонун ҳимоясида!

3 ▶ Касб байрамингиз муборак, ҳамкасблар!
▶ Тарихчилар Хоразм хони ҳақида...

4 ▶ Сен ҳам дўстми энди, эй дўст?!
▶ Ҳовли талашган мушти ботир оға-инилар...

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хукумати (Ш.Мирзиёев) ўз қарорларини "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 апрель.

2-саҳифада

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИ АЁЛЛАР МАНФААТИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ИФОДАЧИСИ ВА ҲИМОЯЧИСИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

"...Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2004 йил 1 июлдан бошлаб фуқаролар йиғинлари кенгашлари аппаратининг тузилмасига тарбиячи-педагог лавозими ўрнига:

ҳудудида камида 500 оила яшайдиган маҳаллаларда;

таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва манавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг лавозим маошлари Ягона таъриф сеткаси бўйича 5 (қишлоқ жойларда) ва 6 (шаҳарларда) разрядлари даражасида белгилансин.

Маҳаллалар аппарати тузилмасини қайта кўриб чиқиш ва янги штатлар жадвалига мувофиқ янги лавозимлар билан тўлдириш борасидаги масъулият шахсан туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда маҳалла, посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини кенгашларининг раислари зиммасига юклатилсин.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда диний маърифат ва манавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларига ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўтказа оладиган энг обрўли ва фаол хотин-қизларни тайинласинлар..."

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонидан.

Аввал хабар қилинганидек, 21 июнь куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисни очар экан, Президент Ислом КАРИМОВ, аввало, ана шу фармон нима учун қабул қилинди, унинг бош мақсади нимага қаратилган ва ушбу ҳужжатда белгилаб берилган асосий вазифаларни бажаришда нималарга эътибор қаратиш керак, деган саволларга жавоб топишимиз ва шу ҳақда фикр алмашиб олишимиз зарур, деди.

Чиноз тумани Ёллама қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчилари орасида фаол, эл ғам-ташвиши билан яшаётган хотин-қизлар анчагина. Улар оқсоқол билан доимо ҳамфикру ҳамнафас.

Бу масала биринчи галда хотин-қизлар қўмитаси нима учун ташкил қилинган, у нима учун керак, деган муҳим бир саволни ўртага кўндаланг қўйишни талаб қилади. Бу савол қандай ғалати туюлмасин, унинг замирида жуда катта маъно бор.

Шу нуқтаи назардан қараганда, хотин-қизлар қўмитаси ўзида аввало жамоатчилик ташаббусини мужассам этадиган тузилма, деб таъкидлади Президентимиз. У хотин-қизларнинг жамоатчилик асосида тузиладиган бошланғич ташкилотлари орқали аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва турли манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўзига хос муаммоларини ечишга қаратилган табиий интилишларини ифода этади. Агарки, биз эртанги кунимизни чуқурроқ тасаввур этадиган бўлсак, Хотин-қизлар қўмитасини фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айлантириш ҳақида ўйлашимиз зарур.

Биз фуқаролик жамияти ҳақида кўп гапирамиз, аммо, очиқ айтиш керак, унинг маъно-мазмуни, шакл-шамойилини ҳамма ҳам тўғри тушунавермайди. Фуқаролик жамиятининг энг асосий белгиси — бу давлатнинг вазифа-ваколатларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий маданиятини оширишдан иборат.

Биз ўз олдимизга қўйган кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш вазифаси мана шу ва шунга ўхшаш жараёнларда ўз ифодасини топиши зарур.

Бутун маърифий дунёда хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги ҳақида, ўйлайманки, узоқ гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Албатта, мана шундай интилишларни амалга ошириш мақсадида давлат, давлат тизими ва ҳокимият четда турмасдан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини амалда жорий этишни давлат сиёсати даражасига кўтаришга ўз иссасини қўшиши керак.

Яъни, қисқа қилиб айтганда, хотин-қизлар ҳаракатининг жойлардаги ва марказдаги фаолиятини ўзида мужассам этган Республика Хотин-қизлар қўмитаси ишида юқорида зикр этилган икки йўналиш уйғунлашган бўлиши лозим.

Афсуски, бизда ҳанузгача Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари фаолияти ва мақсадини айнан шундай тушуниш етишмаяпти, деди Ислом Каримов. Бунинг сабаблари ҳақида гапирганда, шуни айтиш керакки, хотин-қизлар қўмитаси бизда кўпроқ давлат ҳисобидан молиялаштириладиган ва ўз фаолиятида маъмурий бошқарув усулларидан, яъни юқоридан туриб буйруқ-кўрсатма ва топшириқлар бериш усулидан фойдаланадиган давлат тузилмаси каби қабул қилинади.

Марказда ҳам, жойларда ҳам аҳвол ана шундай. Хотин-қизлар қўмиталарини бошқарадиган аксарият фаолларимиз мансаб курсисига ўтириши билан аёллар жамоатчилигидан ажралиб қолади ва иш юритишда асосан маъмурий-буйруқбозлик услубига ўтиб олади.

Бу қўмиталарда ишлаётган кўпчилик раҳбарлар ўзларини аёллар жамоатчилигининг вакили эмас, балки хотин-қизларни бошқариш учун қўйилган давлат ходимлари, деб ҳис қилади, ўзини асосан давлат бошқарувчиси, давлат назоратчиси, деб кўрсатади. Ўз иши ва фаолиятининг мақсадини ҳам худди шундай тушунади.

Бундай ёндашув эса нимага олиб келиши маълум: аёлларимизнинг кайфияти ва ҳақиқий аҳволи, муаммолари ва манфаатлари четда қолиб кетади. Натижада бундай қўмиталар билан оддий хотин-қизлар ўртасида узилиш пайдо бўлади ва бу узилишни авваламбор шу соҳага масъул бўлган одамлар, афсуски, сезмай юрибди.

"Маҳалламизда маслаҳатлашадиган иш чиқиб қолди, отинойи..."

Аслида эса, хотин-қизлар қўмиталарида амалдорлар — бюрократлар эмас, ўзини аёлларнинг ишончли вакиллари сифатида ҳис қиладиган фаоллар иш олиб бориши шарт, деди Президент.

Опа-сингилларимиз орасида фаолият олиб боришда қурултойлар, хотин-қизлар қўмиталарининг конференцияларини ўтказиш каби иш юритишнинг демократик шакллари деярли ишламаяпти, уларнинг амалий самараси сезилмаяпти. Ҳолбуки, ишга айнан ана шундай ёндошув орқали аёлларимиз, қизларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиши, шу тариқа қуйидан, жамоатчилик орасидан чиқадиган таклиф-ташаббусларни аниқлаш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Хотин-қизлар қўмитаси гарчи давлат томонидан молиялаштирилаётган бўлса-да, аслида у биринчи навбатда фуқаролик жамиятининг бир институти сифатида аёлларимизнинг ижтимоий манфаатларини ифода этадиган ташкилот эканини унутиб қўйган. Хотин-қизлар қўмитаси фуқаролик институтига хос иш шаклларидан бутунлай узоқлашиб, "давлат вакили" деган жуда қулай мақомга ўтиб олган. Бундай иш услуби бугунги кун талабларига асло жавоб бермайди.

Албатта, давлат Хотин-қизлар қўмитасига турли тадбирларни ўтказишда ёрдамини аямайди, лекин бундай тадбирларнинг маъно-мазмуни ва йўналиши аёлларнинг ўзлари томонидан, хотин-қизлар ташкилотлари томонидан шакллантирилиши лозим. Яна бир бор такрорлайман, биз фақат моддий мадад кўрсатишимиз керак, аммо тадбирларни уюштириш ташаббуси, уларнинг маъно-мазмуни қуйидан — фуқаролик жамиятининг вакиллари бўлмиш хотин-қизлар ташкилотларидан чиқиши керак, деб таъкидлади Ислом Каримов.



Ўзбек аёл қадимдан ҳалол меҳнатни севиб,ардоқлаб яшайди.

— 40 йилдан буён деҳқончилик билан бандман, — дейди Урганч бозорида ўз етиштирган маҳсулотлари билан савдо қилаётган Бекажон Бектурдиева. — Агар аёл меҳнати учун етарли шарт-шароитлар яратилиб берилар экан, биз меҳнатдан асло қочмаймиз!

Бу қўмиталарда фаолият олиб бораётганлар жамоатчилик олдида, жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари олдида амалда ҳисоб бермайди. Бу мутлақо нотўғри. Туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида хотин-қизлар қўмиталарининг жамоатчилик олдида — делегатлар олдида эмас, балки хотин-қизларнинг жамоатчилик ташкилотлари олдида мунтазам ҳисобот бериб туришини таъминлайдиган тизим жорий этилиши лозим.

Хотин-қизлар қўмиталарининг ахборот ва матбуот хизматлари билан алоқалари ҳам талаб даражасида эмас. Аёллар ҳаётини ёритадиган матбуот нашрлари қандай мавзу ва муаммоларни кўтариб чиқаётгани, улар ўз ўқувчилари, биринчи навбатда, ёш хотин-қизларга қандай таъсир кўрсатаётгани, уларнинг фаолиятига танқидий баҳо бериш масалалари ҳам мазкур қўмиталарнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Бугунги кунда юртимиз аёллари ҳаётнинг барча соҳаларида — ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол иштирок этмоқда. Уларнинг мақсад-муддаолари, орзу-интилишлари, жамиятдаги мавқеи ҳам ўзига хос ва турлича бўлиши табиий.

Масалан, уларнинг маълум бир тоифаси шаҳар, туман ва республика миқёсидаги турли тузилмаларга тайинланган ёки сайланган аёллар бўлиб, улар, минг афсуски, асосан ўзларини, ваколатини намойиш қилишга, бошқа аёллардан ажралиб туришга ҳаракат қилади. Бундай ҳолат бизда мавжуд ва уни очиқ айтишимиз керак.

Яна бир тоифа — хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шу билан бирга, тадбиркорлик, тижоратчилик фаолиятида ўзи учун қулай имконият ва имтиёзлар яратишга, ўз манфаатларини таъминлашга ҳаракат қиладиган аёллар. Уларнинг сафи бугунги кунда тобора кенгайиб бормоқда ва биз уларга ўрта синф вакиллари сифатида қарашимиз, тегишли ёрдам ва кўмак беришимиз лозим.

Айни пайтда хотин-қизлар, аввало, қишлоқларда яшаётган опа- сингилларимиз орасида бизнинг эътиборимиздан четда қолган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган аёллар борлигини ҳам таассуф билан тан олишимиз керак, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Табиийки, ҳаётда бўшлиқ бўлмаганидек, бундай хотин-қизларга ўзига хос таъсир кўрсатишга уринадиган аёллар ҳам топилади. Улар тўй-маъракалар, турли урф-одат, дафн ва бошқа маросимларда кўпчиликка бош-қош бўлиб, ишбошилик қилади.

Уларнинг номини отинойи дейдими, дастурхончи ёки кайвони дейдими, ҳар бир маҳаллада учрайдиган бундай аёлларсиз ҳаётда кўпгина юмушлар битмайди.

Биз бир нарсани ҳисобга олишимиз даркор. Ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом дини — ҳаммамиз учун муқаддас, халқимизнинг асосий қисми шу динга эътиқод қилади. Шу дин билан боғлиқ урф-одатларга мусулмон фарзандлари сифатида барчамиз ҳам риоя қиламиз. Бу — инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Шундай экан, маҳаллалар хотин-қизлари орасида ана шу урф-одатларга тўла амал қилинаётгани ҳам — бор ҳақиқат. Буни кўрмаслик ва сезмаслик мумкин эмас. Шу сабабли бундай аёлларга зарур ёрдам кўрсатиб, қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларни маҳалла бошқаруви таркибига киритиш, жойларда ҳокимликлар, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари, диний ташкилотлар улар билан ҳамкорликда иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Бу борада бизнинг ҳаёт тарзимизга, миллий-диний қадриятларимизга зид бўлган носоғлом қарашларга, жангарилик, мутаассиблик кайфиятларининг тарқалишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Президент ўз фикрини давом эттириб, бугун хотин-қизлар қўмиталари, жумладан, республика, вилоят, шаҳар ва туман ташкилотларининг фаолиятини замон талаблари асосида танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш, ушбу қўмиталарнинг раҳбар ва фаоллари ишини юқорида билдирилган мезонлар бўйича холисона баҳолаш кераклигига ҳам тўхталиб ўтди.

Мажлисда Ислом Каримов аёлларни иш билан таъминлаш, оилани, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, таълим-тарбия соҳасидаги долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Хотин-қизлар ўртасида бандлик масалаларини ҳар томонлама кўриб чиқиш лозим. Давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам билан бир қаторда, биринчи навбатда, уларнинг ўзларига ишлаб даромад топиш учун имконият туғдириш керак. Бу йўналиш вақтинчалик иш ўринлари барпо этиш, касаначилик фаолиятини ташкил этиш ва шу сингари аёлларнинг ижтимоий бандлигини таъминлайдиган кўплаб усулларни ўз ичига олади.

Қишлоқ жойларида яшайдиган хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишда биринчи ва энг муҳим қадам — уларни иш билан таъминлашдир. Аёл киши ўзи ишлаб даромад топса, у мустақил бўлади ва ўзини ўзи ҳимоя эта олади. Ҳар қандай иш — аёлнинг мустақиллиги, фаол турмуш тарзининг биринчи шартидир.

Аёл иш билан банд бўлмаса, ижтимоий жиҳатдан фаол бўла олмайди.

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш учун биринчи навбатда мазкур йўналишда қабул қилинган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш, уларни махсус изоҳлар билан алоҳида тўплам шаклида нашр этиш керак. Шу билан биргага, уларнинг қандай бажарилаётганини баҳолаш ва текшириб кўриш зарур. Ва ана шу ишларнинг натижасини мамлакатимиз парламенти ва ҳукуматининг махсус йиғилишида кўриб чиқиш лозим. Қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини текшириш ва уларни бажармай келаётганларни жавобгарликка тортиш керак.

Дунёда, ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлаш йўналиши бўйича — бу скрининглар бўладими, патронаж ва бошқалар бўладими — қандай замонавий усуллар, ускуна ва воситалар, илғор иш шакллари ва институтлардан фойдаланилаётганини ва бундай тажриба бизда қандай қўлланилаётганини аниқлаш лозим, деди Президентимиз. Бу институтларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш учун, аввало, тегишли молиявий манбаларни топиш зарур.

Бу мақсадларни амалга оширишнинг бош шарти оилага бўлган эътибор билан белгиланади. Бу ўринда гап оилада болалар тарбияси учун яратилган шароит, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғлом этиб тарбиялаш ҳақида бормоқда. Қайси оилада муҳит соғлом бўлмаса, ўша ерда ахлоқи бузуқ, ноқобил болалар пайдо бўлиши барчага аён.

Шу масалаларни ечиш учун хотин-қизлар қўмиталарининг маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари билан доимий алоқасини йўлга қўйиш, бир ёқадан бош чиқариб ишни ташкил қилиш лозим.

Оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳит барпо этишда маҳалла ва хотин-қизлар ташкилотларининг ролини ошириш даркор. Бизда фуқаролик жамиятининг икки асосий бўғини — бу маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари бўлиб, улар ўзаро уйғунликда ҳаракат қилиши керак.

Лекин бу ўта муҳим масала фақатгина ана шу ташкилотларнинг вазифаси эмас. Ёшлар ўртасида диний экстремизм, ақидапарастлик, гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олишда, фарзандларимизни бундай бало-қазолардан асраш учун курашда, доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашда ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, хусусан, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, Дин ишлари бўйича қўмита, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Оила» маркази, кенг жамоатчилик, барчамиз масъулмиз, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизларнинг социал ва ижтимоий фаоллигини ошириш масаласига ҳам атрофлича тўхталиб ўтди.

Бу борада хотин-қизларнинг сайланадиган, вакиллик ва бошқа давлат ҳокимият идораларидаги кенг иштирокини таъминлаш муҳим аҳмиятга эга. Жамиятимиздаги билимдон, ҳаёт мазмунини тўғри тушунадиган, фаол ва ташаббускор хотин-қизларнинг ҳокимият вакиллик идораларига сайланиши ва уларда иштирок этиши учун янада кўпроқ имкониятлар яратиш, уларга кенг йўл очиб бериш керак.

Шу борада нодавлат жамоат ташкилотларини ривожлантириш масаласига ҳам тўхталиб, Президентимиз уларнинг мақоми ва имкониятларини мустаҳкамлаш, юзага чиқадиган муаммоларнинг ечимини топиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиши лозимлигини айтиб ўтди. Шу йўналишнинг ҳал қилувчи масалаларидан бири — бу хотин-қизларнинг таълим ва малака даражасини ошириш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон бугун бутун дунёда ўзига муносиб обрў-эътибор қозонмоқда, деди Юртбошимиз ўз сўзини давом эттириб. Бу жараённинг узвий ва ажралмас қисми — опа-сингилларимиз, қизларимизнинг халқаро майдонга чиқишида намоён бўлади. Бунда айниқса хотин-қизлар қўмиталари, аёллар ташкилотларининг халқаро хотин-қизлар ҳаракатида, гуманитар, таълим ва бошқа соҳаларда фаолият олиб борадиган ташкилотлар ишида фаол иштирокини таъминлаш бениҳоя катта аҳамиятга эга.

Ана шу долзарб масалаларни оқилона ҳал этиш орқалигина биз ўз олдимизга қўйган ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш вазифасини ҳал этишимиз, эзгу мақсад-муддаоларимизга етишимиз мумкин, деб таъкидлади Президентимиз пировардида.

/ЎзА/

Андижон вилояти

"MAHALLA" СОВРИНДОРЛАРИ

Булоқбоши туманида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, "Mahalla" газетасига вилоят бўйича энг кўп ўқувчилари бўлган туманимиз ҳамда Найман қишлоқ фуқаролар йиғини, Сарбонтепа ва Найман маҳаллалари фуқаролар йиғинлари "Mahalla" газетаси томонидан эълон қилинган кўрик-танловда ғолиб чиққан эдилар. Тадбирда совриндорлар таҳририят ҳамда "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмасининг рангли, оқ қора тасвирли телевизорлари, қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Т.УМУРЗАҚОВ,
"Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси.

Муносабат: "Қадримга йиғлайман", 2004 йил 12 май.

ОНАЛАР МЕҲР УЛАШИШ УЧУН ЯРАЛГАНЛАР!

Мақолани ўқиб жуда таъсирландим. Чунки мен ҳам мақола қаҳрамони билан тақдирдош инсонман, иккимизнинг ҳаётимиз деярли ўхшаш.

Деярли дейишимнинг боиси, мақолада келтирилган кўнгилсиз савдолардан мени Худонинг ўзи асраган. Шундай бўлсада мақолани ўқигач, ўз ҳаётимни бир бошдан таҳлил қилдим, келгусидаги умрим қандай кечишини чамалаб кўрдим. Бу ўй-хаёллар бир неча кун ҳаловатимни олди. Ўйлайўйлай охири шундай хулосага келдим: аёл киши бу дунёга бировларга меҳр бериш, фидойи бўлиш учун келган. Лекин барча аёллар ҳам бундай фидоликка қодир бўла олмайдилар. Гулсарахон, сиз ва биз бировнинг бўлса-да дилбандларига меҳр улашибмизми, демак, "аёл", "она" деган муқаддас ва масъулиятли номга муносиб эканмиз. Ҳаётингизда юз берган кўнгилсизликларга қанчалик қийин бўлсада беэътиборроқ бўлинг. Сиздан меҳр кўрибдиларми, эртами-кеч бунинг меваси тотийсиз, иншоолоҳ. Зеро, сиз бунга лойиқсиз.

Р.ҲАКИМОВА.
Олмалиқ шаҳри.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. БУГУН 2004 ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИГА ОБУНА БЎЛИШНИНГ АЙНИ ВАҚТИ. ЭРТАГА ЭСА КЕЧ БЎЛАДИ. ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИДА "MAHALLA"СИЗ ҚОЛМАНГ!

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳамда шаҳардаги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), шунингдек унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

3-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг асосий принциплари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда тегишли ҳудудда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади), жинси, ирқий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғинининг ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга.

4-модда. Фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиш ҳуқуқи

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқароларнинг иштирок этиши ихтиёрий ҳамда эркиндир. Фуқароларга уларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида, шунингдек уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳуқуқига сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

5-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда ошкоралик

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш очиқ ва ошкора амалга оширилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар хабардор этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлардан, овоз бериш якунларидан воқиф қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик жараёнини ҳамда сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради.

6-модда. Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

7-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашишлари, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлашлари шарт.

II. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

8-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

9-модда. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ҳамда шаҳарлар ҳудудида тегишинча фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари (бундан буён матнда комиссиялар деб юритилади) тузилади.

Комиссиялар тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органининг қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даври учун тузилади.

Комиссиялар таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинларининг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар комиссияга аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

10-модда. Комиссияларнинг ваколатлари

Комиссиялар:

ушбу Қонун ижро этилишини таъминлайди ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тегишли ишчи гуруҳларининг фаолиятини йўналтириб боради;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил қилади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларидан кейинчалик тегишли туманлар, шаҳарлар ҳокимлари билан келишиш учун раислар (оқсоқоллар) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатларни қабул қилиб олади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди;



фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга доир ахборотларини тинглайди;

тегишли ҳудудда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларини чиқаради;

фуқароларнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивга топширилишини таъминлайди.

Комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳини тузиш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини ёки унинг кенгаши қарори билан сайлов даври учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи (бундан буён матнда ишчи гуруҳи деб юритилади) тузилади.

Ишчи гуруҳи таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғининнинг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари киритилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари ишчи гуруҳи таркибига киритилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар ишчи гуруҳига аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар ишчи гуруҳи таркибидан чиқарилади.

12-модда. Ишчи гуруҳининг ваколатлари

Ишчи гуруҳи:

фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жойни белгилайди ҳамда йиғин ўтказилишидан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади;

фуқаролар йиғини иштирокчиларини рўйхатга олади;

тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг такрорий сайлови ўтказилишини ташкил этади;

фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади.

Ишчи гуруҳи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш учун фуқаролар йиғинини (вакиллар йиғилишини) чақириш

Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чақирилади ва ўтказилади.

Фуқаролар вакилларининг йиғилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан уларда яшовчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланадиган намояндалар вакил қилинадилар. Вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ёки шаҳар мувофиқлаштириш кенгаши белгилайди.

III. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ВАЗИФАСИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ

14-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига сайловдан камида ўн кун олдин топширилади.

15-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга қўйиладиган талаблар

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, шунингдек ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

16-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркибини белгилаш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланади.

17-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар тақдим этиш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади.

IV. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИДА ОВОЗ БЕРИШ ҲАМДА НАТИЖАЛАРНИ АНИҚЛАШ

18-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда овоз бериш шакллари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади.

Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

19-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича саноқ комиссияси

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини томонидан камида уч кишидан иборат таркибда саноқ комиссияси сайланади.

20-модда. Очиқ овоз беришни ўтказиш тартиби

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови очиқ овоз бериш орқали ўтказилаётганида овоз бериш ҳар бир номзод бўйича таклифларнинг келиб тушиш тартибига қараб, қўл кўтариш йўли билан ўтказилади.

21-модда. Яширин овоз беришни ўтказиш тартиби

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганида фуқаролар йиғини иштирокчиларига саноқ комиссияси томонидан овоз бериш бюллетенлари берилади.

Яширин овоз бериш бюллетенига фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлашда яширин овоз бериш бюллетенларини бериш бевосита овоз беришдан олдин бошланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлаш бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёхуд хонасида тўлдирилади. Овоз берувчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг бюллетендаги фамилиясини ўчиради.

Овоз берувчи тўлдирилган овоз бериш бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

Сайлов қутилари овоз бериш тугаганидан кейин саноқ комиссияси томонидан очилади.

22-модда. Овозларни санаб чиқиш

Овозлар саноқ комиссияси томонидан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига ҳар бир номзод бўйича санаб чиқилади.

23-модда. Саноқ комиссиясининг баённомаси

Овозларни санаш натижалари бўйича саноқ комиссияси томонидан баённома тузилади.

Саноқ комиссиясининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

фуқаролар йиғини иштирокчиларининг умумий сони;

овоз беришда қатнашган фуқаролар йиғини иштирокчиларининг сони;

яширин овоз бериш ўтказилганида бюллетень олган фуқаролар йиғини иштирокчиларининг сони;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони;

яширин овоз бериш ўтказилганида ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони.

Баённома саноқ комиссиясининг раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Баённома саноқ комиссиясининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади.

24-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунларини чиқариш

Фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунлари бўйича фуқаролар йиғини қарор қабул қилади ҳамда мазкур қарор фуқаролар йиғинида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади.

Фуқаролар йиғини баённомаси икки нусхада тузилиб, битта нусхаси сайлов якунларини умумлаштириш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига тақдим этилади.

Туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларига доир умумлаштирилган маълумотларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар комиссиясига топширади.

25-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топиш

Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар вакилларининг йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда фуқаролар вакилларининг учдан икки қисмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

26-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси сайловида такрорий овоз бериш

Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Такрорий овоз бериш ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.

27-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси такрорий сайлови

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

аввалги сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

такрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса;

фуқаролар йиғинида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига кўпи билан икки нафар номзод кўрсатилган ҳамда улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси такрорий сайлови ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда кўпи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади.

28-модда. Бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси сайлови

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси ваколатлари муддатидан илгари тугатилган бўлса, тегишли фуқаролар йиғинларида ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда янги сайлов ўтказилади.

V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

29-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари асосида фуқаролар йиғини органларини шакллантириш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари асосида фуқаролар йиғини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясини, шунингдек маъмурий комиссияни сайлайди.

30-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари устидан шикоят қилиш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари юзасидан фуқаролар йиғини қабул қилган қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

31-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 апрель.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! "Mahalla" СИЗНИНГ ҲАМИША ҲАМКОРИНГИЗ. УНГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ.

27 июнь – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ, "МАҲАЛЛА" ЖАМҒАРМАСИ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИ МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УШБУ СОҲАНИНГ БАРЧА ХОДИМЛАРИНИ МУБОРАК ЭТАДИ.

Таниқли журналист Ғулом Мирзо (чапда биринчи) ва олим Абдулҳамид Умаров (ўнгда) пойтахтнинг 8-Бўз маҳалласида яшовчи 100 ёшдан ошган отахон Толиб ота Абдуллахўжаев хонадонида.

Оқсоқол интервью бермоқда.

Фарғона вилояти

ХОТИРА ТУРНИРИ

Воғиз Музаффаров меҳнатсевар ва қалами ўткир журналист сифатида нафақат Фарғона вилоятида, балки бутун Республикада ҳам таниқли эди. У Ғ.Ғулом, М.Шайхзода, И.Султон, А.Мухтор, Ш.Ризо сингари қатор ёзувчи ва шоирлар даврасида тобланиб, иззат-ҳурмат топди. Ўз навбатида талантли ёшлар қуршовида устоз ва шогирд мактабини яратди.

Ўтган асрнинг 30-йилларида Республика ёшлар газетасида журналистик фаолиятини бошлаган Воғиз оға 60 йилдан ортиқ умрини Фарғона вилояти матбуотига бағишлади. «Фарғона ҳақиқати» («Коммуна») — «Ферганская правда» газеталарида унинг имзоси билан чоп этилган чуқур мушоҳадали, нишонга аниқ етиб борадиган мақолалар, очерклар, публицистик асарлар, таржималар ўзининг маърифий таъсирчанлиги, услубий ёрқинлиги билан ҳамиша ажралиб турарди.

Оғир хасталик устозни кейинги беш йил давомида матонат синовидан ўтказди. У бир жойда ётиб қолишига қарамасдан тинимсиз ижод қилди, газеталарни варақлаб, телефон орқали шогирдларига ўзининг қимматли маслаҳатларини берди.

Воғиз Музаффаров ўтган йилнинг декабрь ойида салкам 90 ёшида бандаликни бажо келтирди.

Яқинда фарғоналик журналистлар Матбуот ва ахборот воситалари ходимлари байрами олдидан устозлари номини ёдга олиб, мини-футбол бўйича хотира турнири ўтказдилар. Вилоят Маҳалла маркази ўйинғоҳида ўтказилган ушбу турнирда вилоятдаги оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Мусобақага вилоят Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда вилоят Футбол федерацияси бошчилик қилди. Ўйинни тажрибали ҳакамлар бошқарди.

Қизғин баҳслар остида ўтган мусобақада Вилоят телерадиокомпанияси жамоаси биринчи, вилоят босмахонаси иккинчи ва «Фарғона ҳақиқати» — «Ферганская правда» газеталари учинчи ўринни эгалладилар.

«Mahalla» мухбири.

Ҳар нашрнинг ўз мухлислари бор.

"Mahalla"нинг энг фаол обуначилари — таҳририят томонидан рангли телевизор билан тақдирландилар.

"Mahalla"нинг вилоят мухбирлари: Қурбон Эгамбердиев (чапдан иккинчи), Омон Шукуров (ўнгдан биринчи) ҳамда бош муҳаррир ўринбосари Мавлуда Қосимова ва бўлим муҳаррири Фаррух Бўтаев

Сурхондарё вилояти

ЧЎЛ ЎРНИДА ГУЛЗОР

Қизириқ чўли ҳақида шундай дейиш мумкин

— Бир вақтлар бу ерлар поёни уфққа туташ чўл эди, — дейди ҳамроҳим Қизириқ туманидаги Янги йўл қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдимурод Бўтаев. — Инсон зоти нималарга қодир эмас дейсиз? Унинг қадами етган жой бўстонга айланади.

Ҳа, оқсоқол ҳақ эди. Қизириқ чўли қисқа муддатларда таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бўз ерлар пахтазорга, ғалла майдонларига, боғу-роғларга айланди. Бир сўз билан айтганда, чўл чекинди, ҳазрати инсон измига бўйсинди. Ўз бахтини чўлдан излаган одамларнинг давраси йилдан-йилга кенгайиб, улар Янгийўл қишлоқ йиғинини ташкил этишди. Унинг таркиби ҳам ўсди, ривожланди. Айниқса, Янгийўл, Етимқум, Истиқлол, Халқобод, Гиламбоп маҳаллалари чўлда чамандек юз очди, ўн тўрт минг етти юз эллик киши умргузаронлик қилаётган обод, кўркам манзилга айланди. Янгийўл қишлоғи одамлари бунёдкорлик ишлари билан банд. Гиламбоп ҳамда Қизириқ ширкат хўжаликларида ҳар йили пахта ва ғалладан юксак хирмон яратилмоқда.

Қишлоқда қирқ тўртта фермер хўжаликлари фаолият юритаяпти. Уларда қарийб минг киши меҳнат қилади. Туманда етиштирилаётган моддий неъматларда уларнинг салмоқли улуши бор. Шу боисдан ҳам қишлоқда кам таъминланган оилалар сони жуда кам.

Қишлоқдаги ҳар уч хонадондан иккитасида «Нексия», «Дамас», «Матиз» ва бошқа русумдаги енгил автомашиналар мавжуд. Чорва моллари сони беш минг бошдан ошиқ. Булар янгийўллик азаматлар қилаётган фидокорона меҳнатнинг маҳсули.

Бу ерда қишлоқ инфратузилмаси ривожланиб бораётганидан, халқнинг мушкули осон кечмоқда, узоғи яқин бўлмоқда. Аҳолининг саксон беш фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган. Газлаштириш жадал давом эттирилябти. Ширкат ва фермер хўжаликларининг раҳбарлари бу ишга ҳомийлик қилмоқда. Ҳозирда хўжаликда 1072 хонадон газлаштирилган.

Қишлоқ кўчалари равон. Уларни таъмирлашга алоҳида эътибор бериляпти. Биргина ўтган йили маҳаллалардаги ички йўлларга тўлиқ шағал ётқизилди. Унинг умумий узунлиги 135 километрни ташкил этди. Бу иш ҳашар йўли билан амалга оширилди. Мавжуд ўнта умумий ўрта таълим мактаблари, фельдшер-доялик пунктлари, учта болалар боғчаларини таъмирлашга ҳам қишлоқ меҳнаткашлари ҳисса қўшишди. Аҳолидан йиғилган маблағ ҳисобидан Истиқлол маҳалласида уч километр табиий газ қувурлари ўтказилди. Икки ярим километр узунликда электр ҳаво йўллари тортилди. Ернинг захини қочириш мақсадида беш километрлик зовурлар қазилди.

Одамларни моддий қўллаб-қувватлаш қишлоқ йиғини раҳбарларининг доимо диққат-марказида. Йиғин оқсоқоли Абдимурод Бўтаев эҳтиёжманд кишиларга ҳиммат қўлини чўзади.

Қишлоқ йиғини тасарруфидаги маҳаллаларда эҳтиёжманд кишиларни моддий рағбатлантиришга 175 минг сўм сарфланди. Яна бир гап. Оқсоқолнинг асосий вақти маҳаллаларда ўтади. Маҳалла оқсоқоллари билан баҳамжиҳат ободончилик ишларини йўлга қўяди. Бундай ишларга жамоатчиликни кенг жалб этади.

Ҳозир Гиламбоп, Халқобод, Истиқлол маҳаллаларидаги ички йўллардан ўн бир километрига шағал тўкиляпти. Шунингдек, Етимқум маҳалласи оқсоқоли Шоймон Хўшбоқов маҳаллада ободончилик ишларини намунали ташкил этаяпти. Қисқа фурсат ичида тўрт километр йўл таъмирланди. Янги ташкил топган оилалардан ўн саккизтасининг уйига электр симлари тортилди. Бир ярим километрлик тоза ичимлик суви қувурлари ўрнатилди.

Маҳаллада Меҳр ва мурувват йили муносабати билан тадбирлар ҳам ташкил этилмоқда. Наврўз арафасида яккаёлғиз, кам таъминланган оилаларга бир юз ўттиз олти минг сўмлик совға-саломлар улашилди. Етмиш беш минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Етимқум қадамжойи тозаланди. Бу ерда гузар қуриш режалаштирилаяпти.

Чўтпўлат ака Шодиев раислик қилаётган Охунбобоев номли маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам амалга оширилаётган ибратли ишлар бисёр. Маҳалла гузари ҳамиша одамлар билан гавжум. Тегирмон, тикувчилик корхонаси, маиший хизмат уйи, бозор Чўтпўлат Шодиевнинг тинимсиз елиб-югуриши туфайли вужудга келган, эндиликда ушбу маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари маҳалланинг қарийб уч минг кишилик аҳолисига хизмат қилмоқда. Ўтган йили маҳаллада тадбиркорликни йўлга қўйиш эвазига эллик ишчи ўрни яратилди.

Хуллас, Қизириқ маҳалла фуқаролар йиғинлари чинакамига халқ манфаати йўлида хизмат қилмоқда. Бу борада Ўрмон Эгамбердиев, Шоймон Хўшбоқов, Шомурод Жумаев, Абдумалик Азимов, Эркин Тўраев сингари оқсоқоллар қилаётган саъй-ҳаракатлардан барча мамнун бўлмоқда.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Олам турфа

ЎЗГАЛАР ҲИСОБИГА

Японияник бир журналистга Осака шаҳри яқинида ўзини худди одамлардек тутадиган маймунлар яшашини айтишган.

«Билағон мартишка»лар ўз қўллари билан юз иенлик тангани автоматларга ташлашади ва қўйилган мева сокларини мириқиб ичишади, дейишган. Журналист бу фактни ўша жойнинг ўзида текшириб кўрмоқчи бўлган. Маълум бўлишича, маймунлар автоматларга ҳеч қандай танга ташламас экан. Улар чанқовини босмоқчи бўлган сайёҳларни автомат яқинида сабрсизлик билан кутиб туришади. Ҳеч нарсадан хабари йўқ сайёҳ келиб автоматга танга ташлайди ва стакан тотли суюқликка тўлади. Шу пайт чаққон жун босган қўл стаканни шундоқгина сайёҳ бурни тагидан олиб кетар экан.

«ТИКУВ МАШИНАСИ» ГАЗЕТА ЎҚИЙДИ

НорВегияда шундай машина яратилдики, у кўзи ожиз кишиларга катта ёрдам беради.

Қурилма тикув машинасига ўхшаган бўлиб, ҳар қандай нашрларни овоз чиқариб ўқий олади, фақат саҳифалар ғижимланмаган ва машинага тўғри қўйилган бўлса бас. Машинанинг ўқиш тезлигини киши бошқариши мумкин, яъни у бир дақиқада 100 сўздан 350 сўзгача мутолаа қилади.

ГОРИЛЛАЛАР ҲАМ ТЕЛЕВИЗОР КЎРИШНИ ЁҚТИРИШАДИ

Нью-Йорк ҳайвонот боғидаги маймунлар кейинги вақтда кўп тўполон қиладиган бўлиб қолишди.

Ҳайвонот боғи бошлиқлари ўйлаб-ўйлаб горириллалар жойлашган қафасга телевизор ўрнатишди. Аввалига маймунлар кўрсатувларнинг фарқига бормай барчасини кўришаверишган бўлишса, эндиликда фақат бадиий фильмларни ва айниқса, ҳайвонлар ҳақидаги кўрсатувларни мириқиб томоша қилишмоқда.

КИТОБ ЎҚИЙДИ

Америкониг «Ксерокс» компанияси гапирадиган, китоб-журналлар ўқийдиган ихчам қурилма яратди.

У ҳам кўзи ожизларга мўлжалланган бўлиб, улар чўнтакларида солиб юришлари ва хоҳлаган пайтда бу дастёрга китоб ўқиттиришлари мумкин. У овоз чиқариб ўқийди.

Ҳамкасблар мулоҳазаси

ҚЎШНИЧИЛИК УЗИЛДИ

(ҳаётий воқеа)

Ойбек ишдан келибоқ ҳовлига ўтди. Томорқадаги маккажўхори ниҳоллари ичида қўшнисининг бир гала товуқлари юрган эди. Бўғилиб кетди. Кесак отиб товуқларни қувлади. Ҳар куни шу аҳвол. Товуқларнинг дастидан экин бўладими, йўқми ўзи? Жаҳл отида кириб, қўшнисини огоҳлантирди:

— Товуқларингни йиғиштириб олинглар. Дориланган дон сепаман энди. Бир бало бўлса, мендан хафа бўлмайсизлар!..

Эртасигаёқ Ойбек айтганини қилди. Каламушга қарши ишлатиладиган заҳарли дори билан ишланган донни маккажўхори ичига сепиб қўйди. «Энди кўрасан мендан!» деб қўйди ўзича.

Қўшниси Эрали кечки пайт уйига келганида хотинининг йиғламоқдан бери бўлиб, шалпайиб ётган товуқларга қатиқ ичказаётганини кўрди.

— Ҳа, нима гап? — сўради капалаги учиб.

— Саккизта товуғимиз Ойбекнинг томорқасида ўлиб ётибди, қолганига тузалармикан деб қатиқ ичказяпман, - деди тўлиб турган хотини. — Заҳарланган дон еб қўйишибди!

— Товуқни заҳарлаб ўлдиришни унга кўрсатиб қўяман! — Эрали иккита жон талашаётган товуқларини кўтариб кўчага чиқди. Ойбек елкасида кетмон билан томорқасига сув очиб келаётган экан. Эрали қўлидаги товуқларни кўрсатиб:

— Нимага томорқангга заҳарли дори сепдинг? — деди ўшқириб. — Айтиб қўйсанг бўлмасмиди? Ўлган товуқларимнинг пулини тўлайсан!

Ойбек ҳам бўш келмади. Кетмонини ерга қўйиб:

— Товуқларингни йиғиштириб олмаганингдан кейин дори сепаманда, — деди. — Сенга тўлайдиган ортиқча пулим йўқ.

— Тўлайсан!

— Тўламайман!

Икки қўшнининг даҳанаки жанжали кучайиб, ёқалашишгача етиб борди. Одамлар аралашишса ҳам босилишмади. Аччиқ устида Ойбек мушт тушириб юборди. Эрали мушт теккан бурнини ушлаганича чўккалаб қолди. Ойбек қилган ишидан қўрқиб уйига қараб қочди. Эрали ердаги тошни олиб унинг орқасидан отди. Ерда, оёқ остида қолиб кетган ўлик товуқлар тупроққа қоришиб ётар эди...

Хуллас, заҳарли дон еб ўлган 8 та товуқ туфайли қўшничилик узилди. Девор қўшнилар ёвлашди, судлашди. Суд Ойбекни жавобгарликка тортиш юзасидан ҳукм чиқарди.

Бу можарога кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсан киши. Наҳотки 8 та товуқ қўни-қўшничиликдан ортиқ турса?! Бунда асло бир томонни ёқлаб бўлмайди. Иккала томонда ҳам айб бор. Зиён кимга ёқади? Эралининг товуқлари қўшнининг экинини пайҳон қилмаганида, қўшниси Ойбек заҳарланган дон сепмас эди. Қўшнилар ўз хатоларини тўғри тушунишни истамаганлар, бир-бирини кечирмаганлар. Энди бу қўшниларни 8 та эмас, 1000 та товуқ шўрва ҳам бир-бирига илитмаса керак! Шуниси чатоқда!

Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,
ҚОДИР ШОДМОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзолари.

— Яна нима дейди?
— Газетачиларнинг байрами келяпти, — дейди.

Тарихдан тарақча...

ХИВА ҲУКМДОРИНИНГ БИР КУНИ

«Хон бўз от устида келар, қизил барқут сирилган эгарни хоннинг кўк мовут чопонининг этаги қоплаб турарди. Хон чопонини саройдан бирор ёққа чиққанидагина киярди. Отининг бўйнига жавоҳиротлар қадалган бўйинбоғ тақилган, умилдирик, қуйишқон урилган, югани ҳам шу хилда ишланган. Хоннинг олдида мехтар, хоннинг оти ёнида тўрт аъён пиёда юриб борар, девонбеги ва бир тўда отлиқ амалдорлар хонни кузатиб борардилар», деб ҳикоя қилади венгер (мажор) олими Херман Вамбери ўзининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» номли асарида.

Маълумки, хонликнинг маркази Хивага кўчирилгандан кейин (XVI аср), бу ерда 47 та хон ҳукмдорлик қилган. Уларнинг қандай яшаганликлари, кунлари қандай ўтгани кўплаб олимларни, сайёҳларни қизиқтириб келган ҳамда улар битган сайёҳатномаларда, эсдаликларда бу нарсага алоҳида эътибор берилган.

Қуйида биз XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган хонларнинг кун тартиби қандай бўлгани ҳақида ҳикоя қиламиз.

Хон Аркда яшаган. Одатда, у эрталабки нонуштани мударрислар билан қилган. Улар шариат қонун-қоидалари ва баъзи диний масалалар тўғрисида суҳбат қуришган. Уларнинг суҳбати хоннинг эрталабки ором вақтигача давом этган. 2-3 соат мизғиб олгач, вазир ва бошқа юқори мансабдорлар саломга кирган, саломга кирувчилар аниқ шахслар эмас эди. Ким хоҳласа, ўша одам кира олган. Хон мартабали кишиларга ўтиришга изн берган, бошқа тоифадаги кишилар хон ҳузурида салом бериб, қоидага кўра, фотиҳа ўқиб қайтиб кетганлар. Агарда бирон киши ҳадя олиб келса, хон уни очиқ чеҳра билан қабул қилган. Шундан кейин хон ҳукмдор сифатида ўз вазифасини бажаришга киришган. Давлат аҳамиятига молик муҳим масалалар, сиёсат билан шуғулланишган, сўнгра, тушлик тортилган. Ҳукмдорнинг шон-шавкати аломати ҳисобланган бир қанча хизматкор ва малайлари бўлган. Сарой ишчи мутасаддиларидан бири дастурхончи бўлиб, унинг вазифаси хон олдига ёзиладиган дастурхонга қараш, овқат маҳалида ҳозир бўлиб туриш ва бошқа хизматкорларнинг бажараётган юмушларини назоратда сақлаш бўлган.

Дастурхончи хон жума кунлари масжиди Жомеъга борганида ҳамроҳ бўлган, Ҳукмдор олдига дастурхон ёзиб, таом тортган. Унга мансаб белгиси сифатида дастали қилич берилган. Хон саройида 2 та дастурхончи бўлиб, бири 20, иккинчиси 15 тилло иш ҳақи олганлар.

Ундан кейинги ўринда Маҳрам турган. Унинг вазифаси хоннинг шахсий мулозимига ўхшаш бўлса-да, аслида махфий кенгашчисидир. Маҳрамлар хонга яқин кишилар саналиб, ҳатто, унинг оромхонасига кириш ҳуқуқига эга бўлганлар. Ошпаз овқат пиширган, ош мехтар овқат тортган. Ош мехтар — хон ошхонасининг бошлиғи бўлиб, овқат сифатини назорат қилган. Эрон генерали Исмоил Мирпанжийнинг ёзиб қолдиришича, таом тайёрлашда «...Хивада кўпинча зиғир ёғи ва пахта ёғи ишлатилган. Хон ва катта амалдорлар думба ва кунжут ёғидан қилинган таомларни тановул қилишади, мол ва қўй ёғини ширчойга солишади. Паловни кобулий деб атайдилар. Хон ва амалдорлар ҳар ойда бир, икки мартадан кўп кобулий емайдилар ва кўпроқ от ёки мол гўштидан пиширилган қайнатма шўрвани истеъмол қиладилар...»

Тушлик тамом бўлгандан кейин, баъзи бир маҳрамлар ўтирмоққа ва хон билан шахмат ўйнамоққа таклиф қилинган.

Генерал Исмоил Мирпанжий шундай ҳикоя қилади: "Хоннинг ғайриоддий қиликларидан бири шуки, унинг ўзи чилим чекмайди. Маҳрам деб аталувчи хизматчи чилимни яхши чекиб, тутунига коса тўлгандан сўнг, тутунини чиқармасдан, хоннинг рўпарасига келиб ўтиради ва чилимнинг найини унинг оғзига тутади. Чилимнинг орқа томонида бир тешиги борки, ўша жойни маҳкам, тутин ташқарига чиқмаслиги учун бармоғи билан беркитиб туради. Сўнгра, ўша тешикка лабини қўйиб пуфлайди, хон ҳамма тутунни оғзига тўлдириб, кейин нафас чиқаради... Буни мен хон ҳузурида бўлганимда, яъни саломга кирганимда бир неча бор кузатганман".

Пешин намозидан кейин хон ташқаридаги айвонга чиқиб, арз тинглаган.

Сайёҳ Вамбери шундай ёзади: "Арзга келган хотин, эркак, болалар ҳар хил кийимда, ҳатто, ярим яланғоч ҳолда бўлса ҳам, хон олдига киритилади. Халойиқ эшик олдида ғала-ғовур кўтариб туради, уларни якка-якка киргизадилар. Кирган киши хоннинг ёнига яқин бориб, ўзини бемалол тутиб, арзини айтади. Хонга эътироз билдиради, ҳатто, баъзан хоннинг бир имоси билан жаллод қўлига тушишини билса ҳам, у билан баҳслашиб қолади.

Аср намози бу толиқтирадиган арз тинглаш маросимига хотима беради. Бундан сўнг, хон от миниб, шаҳар ташқарисига сайрга чиқади".

Юқорида айтиб ўтилганидек, хон саройдан ташқарига чиққанида, кўк мовут чопон кияди, либос кийиш жиҳатидан бошқа одамлардан унчалик фарқ қилмаган, яъни хон кийинишида ўзгача зеб бермайди, фақат бош кийимида қимматбаҳо жигаси бўлиб, жиганинг баҳоси 50-60 туман атрофида бўлган. Отлиқ юрганида отнинг думига ялтироқ кумуш безаклар тикилади. Хоннинг саройдан чиқиб келишини сурнайчи ва карнайчи халойиққа маълум қилади. Отга миниш олдидан уч марта сурнай, отга миниши билан бир бор карнай чаладилар. Хон сайрида шотир — хоннинг шахсий тан соқчиси, от жиловини ушлаб юрган. Халойиқ хонни кўрганда салом беришса, удайчи хон учун алик олган.

Хон кун ботиш олдидан албатта, сайрдан қайтиб, саройда бўлиши керак эди. Чунки, намозшомни хон ўз сарой аҳллари билан бирга ўқиган, сўнгра, кечки овқатни тановвул қилган. Кечки овқатда хон ўз яқинлари билан ёлғиз қолган. Шуниси аҳамиятлики, Хива хонлари ичкиликни кам ичганлар, лекин хоннинг қариндош-уруғлари ва амалдорлар керагидан ортиқ ичар эдилар. Кечки овқатдан кейин ашулачилар, созандалар ёки қизиқчилар келиб, ўз санъатлари билан хон ва унинг яқинларини хушнуд этганлар. Икки соатдан кейин хон базмни тарк этган.

Ёз пайти кечқурунлари хон кичик ўғиллари ва набиралари билан боғда сайр қилган, уларга гуллар, мевалар узиб берган. Хива ҳукмдорининг бир куни шу билан тугайди.

Ш.ОДАМОВ,
Ю.РАҲМОНОВА,
Урганч Давлат Университети ўқитувчилари.

Газетхон илҳоми

ШИФОКОР – ЁНАЁТГАН ШАМ

Телефон жиринглаб,
бўлар бетоқат,
Докторни уйғотар
худди ярим тун.
Ҳамиша шошилинч
берар ахборот —
«Бемор жуда оғир,
қиммат ҳар секунд».

Доктор йўл-йўлакай
кияркан халат
Шошиб борар экан,
пичирлар аста —
«Демак бу беморда
оғир шок ҳолат,
Демак, у беморнинг
юраги хаста.

Йўлга уч дақиқа
кетади яна,
Ажабо йўлаклар бунда
бунча тор»
Мана, етиб келди — кенг,
ёруғ хона,
Ўртада энтикиб
ётарди бемор.

«Аллоҳ мадад бериб
улгуролсам,
Пичирлар беморнинг
томирин кўраркан.
Деди ҳамширага —
босим жуда кам,
ЭКГ ишлатинг,
не кўрсатаркан.

Кураш давом этди
токи тонггача,
Докторга ёд эди
шижоат, билим.
Тонгга яқин бемор
йиғиб бор кучин
Деди: — «Сал тузукман,
сув беринг, иним»

Йўқ, дўстлар, шифокор —
ёнаётган шам!
«Алиис инсервиендо,
ипсеконсумор!»
Яъни ўзи ёниб,
эриб бораркан,
Ўзгага ёруғлик
берар шифокор!

Зокиржон ЗУННУНОВ,
шифокор.
Термиз тумани.

Меҳр фалсафаси

ДЎСТЛИК

У НЕГА КЎНГИЛ МОЗОРИГА КЎМИЛДИ

Аслам билан Соҳиб ораларидан қил ўтмайдиган синфдош дўстлар эди...

Тадбиркорлик оламига қадам қўйган Соҳибжон бойлиги билан қишлоқдошларининг фахрига айланди. Аслам уни йўқлаб келган куни ҳам у ҳисоб-китоб билан машғул эди. Соҳибжоннинг мебел ва хориж гиламлари билан безатилган уйига кириб, Асламнинг оғзи ланг очилдиқолди. "Шоҳларнинг қасрига ўхшайди-я. Мана буни ҳаёт деса арзийди. Дунёда ўқимай ҳам мазза қилиб яшаш мумкин экан-ку", деган фикр хаёлидан кечди.

— Оббо студент-ей, шундай қилиб ўқияпман дегин. Кўп кўринмайсан, шаҳардан бери келмайсан, шекилли...

— Келиб-кетиш харажатларини чўзиб турсанг экан, ҳар куни келибкетсам, — дея гапни ҳазилга бурди Аслам. — Талабаларга гуруҳ раҳбариман. Сира қўл тегмайди. Бугун келиб ажабтовур гапни эшитдим. Укангнинг оилавий аҳволи оғир экан. Ёрдам берсанг бўлмайдими?

Соҳиб дўстига ўқрайиб қаради. Унинг нигоҳида "сенинг нима ишинг бор, ошириб қўйибсанми" деган маънони уқиб олиш мумкин эди.

— Хўжаликда кетмон кўтариб юрган билан бир иш битмайди. Мен билан савдода ишла десам, бунга ҳам кўнмайди. "Сенга ўхшаб фирибгарлик қўлимдан келмайди", деб кесатиқ қилади.

— Қадрдонимсан. Ҳар сафар келганимда сени кўрмай кетмайман, сен эса мактабни тугатгандан буён бизнинг кулбаи вайронага бир марта бўлсин қадам ранжида қилмайсан, — ўпка-гина қилди Аслам.

Ишим шунчалик кўпки, бир кунга 24 соат камлик қилади. Мендан хафа бўлмагин-у, иложи бўлса, муддаога кўчгин. Ҳадемай, Тошкентга жўнаб кетишим керак. Бизнесмен дегани бир жойда қотиб турса, оғзидагини олдиради.

— Ойимнинг бироз тоблари қочиб қолди. Кеча уларни касалхонага жойлаштирдим. Ўн минг сўм қарз бериб турсанг деган илинжда...

— Эҳ, аттанг, кеча келмайсанми?! Ҳамма пулга товар олиб қўйгандим. Бугун Тошкентдан ҳамкорларни кўришим керак. Йўқса, жонажон холамиз учун ўн минг эмас, юз минг сўм десанг ҳам берардим.

Негадир шу гапни айтиб туриб, Соҳибжон дув қизарди. Аслам учун бошқа изоҳнинг ҳожати йўқ эди. Қишлоқдошлари "Соҳиб фақат пулдорларга қарз беради. Улардан фоиз ҳисобига дароромад ундиради. Қарзни кечиктирадиганларга жони чиқиб кетса ҳам, хазинасидан бир чақа бермайди. "Соҳиббанк" ана шундай фойда ортидан қувганлардан", деб бежиз таърифлашмаган экан.

— Сенга фоизи билан қайтарсамчи, — беихтиёр тилига эрк берди Аслам.

— Қўйсанг-чи, бу гапларни, сен учун жонимни беришга тайёрман. Просто пул йўқ. Вақтида келмадингда, — астойдил ранжиган бўлди Соҳиб.

Аслам Соҳибникидан сувга тушган мушукдек умидсиз қайтди. Беихтиёр қадамлари Йўлчи аканинг ҳовлисига бурилди. Ҳайтовур, у киши уйда экан.

— Келинг, Асламжон, анчадан буён кўргим келиб юрувди. Бир мириқиб суҳбатлашмасак, дилнинг чигили тарқамайди.

— Колхозда бирга сув тутиб, ғўза парваришладик, ичакузди ҳангомаларингизни соғиниб қолдим, — деди Аслам.

Суҳбат узоқ давом этди. Гурунг орасида Асламнинг онаси хаста ҳолда ётганлигини эшитган Йўлчи ака бисотидаги бор-йўқ 2300 сўм пулини унинг қўлига тутқазди.

Керак эмас, бола-чақангизга ишлатинг, ака!

— Бола-чақа бир кунини кўриб туради. Аввал соғлиқ, сўнгра бошқа ташвишлар. Яна бир маслаҳат. Озод дўкончи бугун пул топширмоқчи эди. Топширмаган бўлса, қолган етти-саккиз минг сўм ҳам топилиб қолади.

Аслам Йўлчи аканинг гапи билан дўкончиникига йўл олди. Озод ҳам Асламнинг мактабдош дўсти эди. Аҳволини эшитди-ю, Асламга бақира кетди:

— Юрасан-да лаллайиб, эртароқ келмайсанми? Ҳозиргина банкка пулларни топшириб келувдим, — деди жаҳли чиқиб. — Шундай бўлса ҳам дўконда бори сеники. У ғазнани санаб кўрди. — Тўрт минг топилди.

Лекин бу пул дори-дармонлар учун камлигини англади-ю, дўстини кутиб туришга ундаб, Соҳибнинг хонадонига жўнади. Бироз фурсат ўтгач, бир даста юз сўмликни кўтариб кириб келди.

— Мана, яна ўн икки минг сўм. Қурумсоқдан унгани шу бўлди. Ўн олтита қилиб қайтарасан, деди зангар. Ким айтади буни тенгдош жўра деб...

Аслам ҳайрат билан лабини тишлади.

Аслам Соҳибникидан сувга тушган мушукдек умидсиз қайтди. Беихтиёр қадамлари Йўлчи аканинг ҳовлисига бурилди. Ҳайтовур, у киши уйда экан.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ

Алломалар юртиданмиз

Абу Ҳомид Ғаззолий

МУСУЛМОН БИРОДАРНИНГ ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРМОҚ

"МУКОШАФАТ УЛ-ҚУЛУБ" КИТОБИДАН

(Давоми. Аввали ўтган сонда.)

Ибн Аббосдан — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилинади:

Расулуллоҳ буюрдиларки:

— Ким, бир мусулмон қардоши билан бир эҳтиёжни таъминлаш мақсадида юрса ва унга насиҳат қилса, Аллоҳ у билан жаҳаннам орасига етти ҳандак қўяди ва бу ҳандаклар аро масофа Ер билан Осмон орасидаги масофага тенг келади.

Ибн Умардан ривоят қилинади:

Аллоҳ Расули буюрдиларки:

— Аллоҳнинг қавмларга аталган бир талай неъматлари бор. Қавмлар бир-бирларининг эҳтиёжларини таъмин этган ва бир-бирларининг дардларини аритган ва аритаётган вақтларида бу неъматларни уларга беришда давом этади. Бир-бирларини севмай, бир-бирларини чалиб йиқитишга ўта бошлаган вақтларида уларга бераётган неъматларини тўхтатиб, бошқа аҳил қавмларга беради.

Абу Ҳурайрадан — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилинади:

Аллоҳ Расули сўради:

— Биласизларми, арслон ўкирган пайтда нима дейди?

Дейдилар:

— Аллоҳ ва Расули энг тўғрисини билади!..

Буюрди:

— Аллоҳим, яхшилик қилаётганларнинг бошига мени бало қилма, дейди.

Ҳз. Алидан — Аллоҳ ундан рози бўлсин — нақл қилинади:

— Орангизда қай бирингиз ҳожатталаб бўлсангиз, илтижони пайшанба куни саҳардан бошланг. Уйдан чиқиб, "Ол-и Имрон" сурасининг сўнгги оятини, "Оят ал-Курсий" ни, "Қадр" ва "Фотиҳа" сураларини ўқинг. Чунки ҳақиқатан ҳам дунё ва охират ҳожатлари шулардадир.

Абдуллоҳ ибн Ҳасан — Аллоҳ ундан рози бўлсин — дан ҳикоя қилади:

— Бир ҳожат юзасидан халифа Умар ибн Абдулазиз ҳузурига боргандим. Менга дедики:

— Бир эҳтиёжинг бўлган вақтда менга бир одам юбор ёки бир хат ёз. Чунки сени остонада кўрсам Аллоҳдан хижолат бўламан.

Ҳз. Али — Аллоҳ ундан рози бўлсин — дейдики:

— Ким, бир қалбга бир севинч берса, Аллоҳ бу севинчдан бир лутф яратади. Вақти келиб бу инсоннинг бошига бир мусибат тушса, мана шу лутф бир сув каби ул кимсанинг қалбига оқиб киради ва у ердан қайғуни ҳайдаб чиқаради.

— Кимнингки ҳожати чиқмаса, сабабини ўзи қачондир бировнинг ҳожатини чиқармаганидан қидиргани тўғрироқ бўлади.

— Ҳожат учун ҳадеб мусулмон қардошингнинг ёнига чопаверма. Зеро, бузоқ онасини эмишда ҳаддидан ошса, сигир уни сузади.

Шоирнинг мана бу сўзлари қандай гўзал:
Жонкуярлик одатингни ҳеч кимсадан аяма,
Кунлар ўтиб кетди энди, бўлди энди, бас дема.
Имкон қадар яхшилик қил, яхшиликнинг йўли кенг,
Биров учун бўлгин ёқа, биров учун, майли, енг.
Аллоҳнинг ҳам сенга фазли бўлар, юргил унутмай.
Аллоҳ фазли инсонларга сени муҳтож этмагай.

Х Х Х

Кучинг етса ҳожат чиқар, диндошингга мадор бўл,
Дардини ол, ғамдан қутқар, қайғу босса — девор бўл.
Кенглик-зўрлик пайтларингда яхшилик қил, эй шунқор!
Унутмаки, сенинг ҳам бир ҳожатга зор кунинг бор.

Пайғамбаримиз буюрдиларки:
— Муждалар бўлсин қўлидан яхшилик чиққан кишига!..
Лаънатлар бўлсин қўлидан ёмонлик чиққан кишига!..

Миразиз АЪЗАМ таржимаси.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЬБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Интизомга қатъий риоя этиш ҳамиша муваффақиятларингиз гарови бўлиб келган. Айни пайтда ҳам шундай бўлиши тайин.

СИГИР(22.04-20.05)
Жуда фойдали кўринган таклифларнинг ҳаммаси ҳам аслида шундай бўлиб чиқавермайди. Айни кунларда бунга ишонч ҳосил қиласиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Яқин беш-олти кун мобайнида катта молиявий масалаларни муҳокама қилишдан фойда йўқ. Вақтингизу асабингизни беҳуда сарфлаганингиз қолади холос.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Касбий фаолиятингиз бир маромда кетиб турган бир пайтда оилавий можаро хотиржамлигингизга раҳна солади. Кўпроқ бошқаларга ёнбосинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Турли ғирромликка қўл урманг, бу кўп йиллик обрўингиз путур етказиши аниқ. Айниқса, келгусидаги фаолиятингизга бу ҳолат ҳалақит беради.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Ҳар жиҳат комил инсонман, дея ўзингиз алдаманг. Танқидлардан жаҳлингиз чиқмасин, ундан кўра тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Янгилик яратишга интилиш орқали бир-икки можароларга ҳам аралшиб қолишингиз эҳтимоли жуда катта. Меъёрни унутманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Яширин ғанимларингиз турли иғво ва туҳматлар ўюштиришлари мумкин. Уларга мутлақо беэътибор бўлсангиз, иғвогарларни яхшилаб жазолаган бўласиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Молиявий муаммоларни ҳал қилишда жуда ҳушёр ва талабчан бўлишингиз лозим. Акс ҳолда катта кўнгилсизлик юз бериши эҳтимол.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Сизнинг андишали ҳаракатларингиз, ғанимларингиз томонидан қўрқоқлик дея баҳоланиши мумкин. Вазиятга қараб киши қаҳрли ҳам бўлгани маъқул.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ўз вақтида олинган ахборот қандай мўъжизаларга қодир эканига шу кунларда ишонч ҳосил қиласиз. Ахборот манбаини тақдирлашни унутманг.

БАЛИК (19.02-20.03)
Чиғал вазиятда қолишингиз мумкин. Бу ҳолатда босиқлик ва совуққонлик сизга катта ёрдам бериши мумкин. Айниқса, нодўст кишиларга азиятларингиз кўрсатманг.

Фарғона вилояти Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими
Данғара тумани Тайпоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
Турсуной РАҲМАТОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Кадр қиммати ёки...

Қиличбек МУСТАФО

ЕЧИМИНИ ТОПГАН ЖУМБОҚ

Тушликка уйига қайтган Марғуба меҳмонхонадан келаётган таниш овозни эшитиб сергак тортди:

— Бир миллионни ким айтди кам деб?

— Бир миллионингизни киссадан чиқарманг, Шодибек, — деди катта ака бўлмиш Тўлқин. — Бу ҳовли рисоласи бўйича ё тўнғич яъни меники, ё кенжа ўғил — Асқаджонники бўлиши керак. Асқаджоннинг бошига бундай ташвиш тушишишини ким ўйлабди дейсиз. Мен... умуман рисоладаги йўл қўйилган хатони тузатишга имкон яратилган экан, нега ундан фойдаланмаслигим керак. Ҳовли эвазига бир миллион эмас, уч миллион бераман.

— Хато қилганмисиз, бошқами, бир маротаба бу ҳовлидан чиқиб кетгансиз, — деди Шодибек. — Энди бу ҳовлига даъво қилишгаям, қайтишгаям ҳаққингиз йўқ. Туф деган тупикни қайтиб олса, макруҳ бўлади.

— Бу туришда келиша олмаймиз-ов... — гапга аралашди кичик ука Собир. — Келинглар, яхшиси, қура ташлайлик, ютуқ кимга чиқса, ҳовли ўшаники бўлсин. Ҳовли нархини кейин белгилармиз...

— У чўпчагингизни сувга айтинг, укам, — деди Тўлқин овозини кўтариб, — бошингизни қайси тешикка тиқманг, бориб ё қонунга, ё шариатга тақалади. Қонун ҳам, шариат ҳам ким тарафда?...

Марғуба меҳмонхонадагиларнинг мақсади, эринг тупроғи совимай, уни бу ҳовлидан ҳайдашаётганини сезгач, тушликни унутди, юриб ўтдими, югуриб ўтдими... эшикни қарс ёпиб, хонасига кириб кетди. Шу топда унинг тинчгина юраги жунбушга келди: уйни бошига кўтариб бақиргиси, дилидаги бор аламини тўкиб солгиси, меҳмонхонадаги савдолашаётганларни тошбўрон қилгиси келди... Бўғзига тиқилган аламни юта олмай, ошкора ўкириб йиғлаб юборди.

Эшик ғийқ этиб очилди. Марғуба эшикка қарамади, кўз ёшларини артиб, ўзини тартибга келтирди.

— Акаларингиз келган экан, — деди қайнонаси Ҳамробуви эшикда туриб, — Асқадимнинг қирқида бошига тош қўйишмоқчи экан, шунга сизнинг олдингиздан ўтишмоқчи...

Марғубанинг хўрлиги келди. Ҳозиргина ҳовлини савдолашиб туришган акалар, бир сонияда мақсадларини палахмонга солиб отишган-у, гўё укаларининг ғамида бошлари эгилган...

— Яхши... — деди Марғуба ўрнидан жилмай.

Марғуба тушлик ниятида келиб, кутилмаган жумбоқнинг қаршисидан чиқиб қолди: жумбоқнинг у ёғини айлантириб кўрди, бу ёғини айлантириб кўрди, еча олмай, юраги эзилди. Юрак эзилмай бўладими, ҳозир ҳовлини савдолашаётганлар куни кеча, уканинг кўзи тириклигида, унинг мол-дунёсидан, ҳурматидан фойдаланиб қолиш учун ўлиб-тириларди. Бугун ука йўқ. Гўё ука акаларидаги иймонни, инсофни, меҳр-мурувватни ўзи билан тупроққа олиб кетгандек.

Марғуба ортига суйкалаётган нарсадан чўчиб кетди: икки-уч қадам юриб, ортига бурилди, кўксига туфлади. «Ҳазил қилган» мушукни кўриб, жаҳли чикди, уни уришга кўтарилган қўли ҳавода қолди... Асқад сездирмасдан Марғубанинг ортидан келиб, ҳазил қилиб, жаҳлини чиқаришни яхши кўрарди. Асқад акалари бугун савдолашаётган ҳовлини таъмирлаш учун бозорга бораётганида, озгина пулнинг жабрини кўрди. Орқа миядан оғир лат еган экан, бир ҳафта ўлим билан олишди. Ёнига ҳеч кимни киритишмади.

— Келин! — Марғуба қайнонасининг овозини эшитиб, ўрнидан турди. Устбошини тузатиб, унга эргашди.

— Энди, келин, Аллоҳ инсонни яратибдики, ўлим ҳақ! — дея Тўлқин узоқдан гап бошлади, Марғуба келиб ўтириши билан. — Ўлимдан ҳеч ким қочиб қутулган эмас. Ҳадеб ўзимизни ўтга, сувга уриб йиғлайверсак, укамизнинг руҳини қийнаб қўямиз. Тақдири азалга тан беришимиз-у, тирикларнинг келажагини ўйлашимиздан бошқа чорамиз йўқ. Сизни чақиришимизда мақсад, эртадан кейин Асқаджонннинг руҳини эслаб, эҳсон дастурхони ёзмоқчимиз. Асқаджон эгарнинг устида, халқ оралаб юрган йигит эди, ўша учун эҳсон дастурхонига шу... икки юз кило гуруч дамласакми, деб турибмиз. Ошнинг тагига Жом бозоридан 2-3 пудлик ҳисори қўй олдик, Абдурашид мойчига етмиш кило зиғир ёғ учун пул бериб қўйдик. Яна бир гап: имомоталик Холиқ сангторошга Жомнинг оқ мармар тошидан берганмиз. Агар вақтингиз бўлса, ҳозир бориб, мармартошни кўриб келсангиз. Маъқул кўрсангиз, шу худойи куни тошни қўйсакми... Энди келин, айтмасам ҳам сезиб турибсиз: ҳозир айтганларимни чўтга солса, ўттиз-қирқ қоғозга яқинлашиб қолади. Бу ёқда, биримизда бешта, бошқамизда саккизта, яна биримизда тўртта қора кўз, берсанг ейман, урсанг ўламан, деб қараб туришибди...

Марғуба орага гап қўшди:

— Ўттиз-қирқ қоғозингиз қанчага тўғри келади?

Уйдагилар «ялт» этиб бир-бирларига қараб олишди.

— Гап харажатда эмас, келин... — Тўлқин чайналди. — Умуман сизга «берди»сини айтиш учун гапни узоқдан бошлагандим. Бундан буёғига сизнинг топганингиз, шу уч қора кўзга етиб турса, шунинг ўзи бизга катта давлат. Буёқда энам борлигиниям эслатмоқчиман. Асқаджоннинг тириклигида энам тўғрисида ҳеч қайсимиз бош оғритмасдик, энди... энам қари одам, тўғри келган нарсани танаввул қилавермайди. Қарайсиз, қарамайсиз эмас, буни ҳаммамиз биламиз, масаланинг бошқа нозик томони бор, кундуз кунлари ишдасиз, энамнинг иссиқ-совуғига қарашга вақтингиз бўладими-йўқми?.. Шунга энам, энди меникида...

— Йўқ, меникида... — Шодибек акасининг гапини кесди.

— Бир пастгина сабр қил?! — Тўлқин укасига ялинганнамо қараб олиб, гапида давом этди. — Шунга энам биз билан бўлса, катта ҳовли, сизга оғирлик қилмасмикан деймизда...

Марғуба шарт изига бурилиб, хайр-хўшни ҳам насия қилиб, меҳмонхонадан чиқиб кетди...

ЭРТАСИГА «ОМОЧЛИ»ДА ОТАБОЙ АКАНИНГ БОЛАЛАРИ НИМАНИНГДИР УСТИДА ТОРТИШИБ, БИР-БИРИ БИЛАН КАЛТАКЛАШИБДИ, ДЕГАН ГАП ОРАЛАБ ҚОЛДИ.

Тошкент вилояти

Бўка туманидаги Маданият номли маҳаллада маҳалла ёшлари учун янги спорт мажмуаси барпо этилди.
СУРАТДА: маҳалланинг умидли ёш теннисчилари.
С.ЎРМОНОВ олган сурат.

Ёнғин ҳаёт учун хавфли

ХАТОЛАРДАН САБОҚ ОЛАЙЛИК

Оловга нотўғри муносабатда бўлиш, бепарволик туфайли кўплаб салбий ҳолатлар юзага келаётгани инкор этиб бўлмайдиган ҳолат.

Айниқса, бундай аянчли воқеалар ёшлар, фарзандларимиз ўртасида кўп учрайди. Шундай экан бу офатга қарши барчамиз ҳушёрлик билан чора кўришимиз зарур.

Энг аввало, бу борадаги тарғибот ишларини оиладан, мактабгача тарбия муассасалардан бошламоғимиз зарур. Зеро, фарзандларимиз онгида ёнғин келтириб чиқарувчи омиллар, унинг оқибатлари ҳақида эртароқ тасаввур ўйғотиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда болалар боғчаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бағишлаб ўтказиладиган суҳбатлар ўз самарасини бериши шубҳасиз. Кейинги пайтларда ёз фаслининг бошланиши, ўтўлан, дов-дарахтларнинг намлик даражаси пасайиши, қолаверса, болаларнинг ёзги таътилдалиги боис, уларнинг айби билан содир бўлаётган ёнғинлар сони ошиб бормоқда. Афсуски, болалар иштирокидаги ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот ишлари нечоғли кенг қўламда олиб борилишига қарамай, ҳали-ҳамон бахтсиз ҳодисалар рўй бериб турибди. Масалан, жорий йилнинг 31 май куни болаларнинг олов билан ўйнаб, очиқ майдондаги қуруқ ўтларни ёқиб юбориши натижасида 40 квадрат метр ҳудуддаги қуруқ ўт ёниб, фуқаролар мол-мулкига зарар етган. Хайриятки, ушбу хунук ҳолат болаларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмаган.

Шу ўринда ўйлаб қоласан киши. Ушбу ҳодиса оқибати кўнгилсиз якунланиши ҳам мумкин эди-ку! Ахир ана шундай ҳолатларда катталарнинг бепарволиги туфайли болалар жабрланиб, ногирон бўлиб қолаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Шундай экан биз, ота-оналар, катталар болаларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан огоҳ бўлайлик.

Б.МИРЗАЕВ,
Мирзо Улуғбек тумани ЁХБ катта инспектори.

СКАНВОРА



Тузувчи: Нуриддин ЮНУСОВ

Утерянное свидетельсво о базовом образовании ВУ 027704 выданный школой N151 Хамзинского района г.Ташкента в 1993г. на имя Горбаневой Надежды Владимировны считать недействительным.

Утерянный диплом N949594 выданный Ташкентским училищем связи от 30.06. 1989 г. на имя Варикина Евгения Юриевна считать недействительным.

ООО "ЭСПА" ликвидируется. Притензии принимаються в течении 2-х месяцов по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Парфюмерная 16 "а". Тел: 162-07-92.

Mahalla

Бош муҳаррир: ЧОРИ ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

8473 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-727
1 2 3 4 5